







- Жаҳонгир Темур мадҳида
- Экрэн муаммолари
- Ижодкорнинг тўйи
- Адиб ҳалолликка даъват этади

Темур УБАЙДУЛЛО

### СОҲИБҚИРОННОМА



(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).

**СОҲИБҚИРОН ҚУШИНИ ҚИССАСИ**

Ейр қўшини, селдайн Оқиб кетиб боради. Ҳар бир мурти найзадек, Ботиб кетиб боради.

Қайда ёғиб — изини, Изаб кетиб боради. Қия-қия ерлардан, Тизлаб кетиб боради.

Арслон юрмас ерлардан, Туртиб кетиб боради. Йўлбарс юрмас ерлардан, Йўртиб кетиб боради.

Қақлик учмас ерлардан, Учиб кетиб боради. Шамоқ юрмас ерлардан, Қўчиб кетиб боради.

Тўқиб юрмас ерлардан, Тизлаб кетиб боради. Бўри юрмас ерлардан, Бўклаб кетиб боради.

Илон юрмас ерлардан, Ымраб кетиб боради. Қулар юрмас ерлардан, Қунаб кетиб боради.

Қийшқ йўлда тулпорни, Қийнаб кетиб боради. Текис йўлда тургайдек, Уйнаб кетиб боради.

Етйларнинг устига, Ёлдек кетиб боради. Оқин бермас ганимга, Дўлдек кетиб боради.

Сувоси чўлда зардаси, Қайнаб кетиб боради. Оби ҳаёт кўринса, Жайнаб кетиб боради.

Ҳақдан тилаб мададни, Тақбир айтиб боради. «Ло илоҳа иллоҳ», Тарот эйтиб боради.

Оти толса отига, Қулот бўлиб боради. Туркостонга — Туронга, Наҳот бўлиб боради.

Ҳар битмаси минг ёни, Чўлаб кетиб боради. Қалонга ёйини, Уқлаб кетиб боради.

Қўлда қилич исфиҳон, Сермаб кетиб боради. Қаҳрин ўтин ганимга, Чирмаб кетиб боради.

«Урхо, урхо-ур» дея, Қистаб кетиб боради. Харфининг энг қаттолани, Истиб кетиб боради.

Турон ўзи сўзини, Оқлаб кетиб боради. Амр Темур тузини, Ҳақлаб кетиб боради.

**ЯССАВИЙ ДАВОСИ ҚИССАСИ**

Амр берладиким шундоқ мазмуни, Яссавай қабрига мақбара бўғай.

Кечалар томоша қилай ой уни Кундузи қўйса қараб у қўлай.

Усталар кўрсатиб икласини чандон, Тиклади пойдевор мениндек маҳкам.

Эрталаб кўрсалар гийшлар ҳар томон — Сочилган, дилларни ўртади алам.

Усталар ҳайратдан тўтдилар ёқа, Бош чайқар туран хил тахминни айтиб.

Ақчеса, барчасин тақдирга тақаб, Яна пойдеворни тиклашди қайта.

Эрталаб яна шу аҳвол тақордир, Яна усталарни чуғлади ҳайрат. Дедлар: «Бунинг бир ҳикмати бордир, Бу оқшом пойласак билуримиз албатт».

Ярим тун, юдузлар кўзда чаргон. Бебор нисоҳларни этмоқчи

Пайи муридлар доим, Пок нияти қўлаган. Яхши тилаклар ила, Ғолибликка йўлаган.

Темур оти паҳлавон, Топар чоғида қамол — Унга бўлади эш, ҳамдам, Шайх Нажмиддин Қулол.

Соҳиб қароматларнинг Бири эди Шайх Қулол. Тарағай Баҳодирнинг, Пири эди Шайх Қулол.

Амр Темур бахраман, Пирининг ўғилларидан. Иклас билан ушлади, Шайх Қулолнинг баридан.

Кўрсатиб беҳад икром, Қўза суртиди изларини. Жангоҳларда қлади қўл, Шайхнинг дуо, сўзлари.

Бир томондан қўлади, Суноб Саййид Баракка. Ултмас эди унингиз, Машиарату маърака.

Қанда олис йўлларда, Қандам бўлади у устоз. Жаҳонгир ҳам ҳар лаҳза, Айлади дилдан эъзоз.

Жангаларда уя улуг зот. Жаҳонгирни қўлади Тилаб Аллоҳдан наҳот, Ғолибликка йўлади.

Умр, дўстлар, ўлчоғам. Ҳақдир барчага ажал, Хасратда қлади барча, Пар вафот топган маҳал.

Васият қилди Амр: «Етса қазо давронини, Устозинг хош пойида, Етсам йўқдир армоним».

Турни Мирдо буюқлар, Топан абадий ором. Устоз пойида ётар, Кўрсатганча эҳтиром...

Ушбу ҳолат, азизлар, Билинг, қони ҳикматдир. Уста ҳамки юзлаб ила, Барчамизга ибратдир...

...Хурсонда Тойбодда, Яшарди Шайх Зайниддин. Алаҳ берган ризқини, Ошарди Шайх Зайниддин.

Таърифи кетган эди, Эдан ошиб эларга, Унинг доши сўзлари Ҳаёт дарман дилларга.

Илк бор Соҳибқирон ҳам, Буларан чоғи таширф. Жилмайиб қарши олдн Темурни зоти шариф.

Жўшиб ёраб юраги, Остонага бош уриб. Жисми жонига шу дам, Кучу қудрат югурди.

Шайх Тойбодий қўлини, Екасига қўйган чоғ, Гуё осмон қўзғолиб, Екасига қўйди тоғ.

Жилмайишини этмас бас, Шайх эди кўп аломат. Деди: «Бўтам, кўп йиллар Бўлурсиз сар-саломат».

Жаҳонни лол этмак, Ҳали қилган ишиниз. Уағу мақсад йўлида, Утар ёзу қишиниз.

Уағу ишлар аслида, Аста-аста ярағай. Буоқ юртга бош бўлиб Доғруннинг таралғай».

Шайх Тойбодий оқсета, Олди сўнгра қўлини. Амр Темур қушдайин, Шайх қўлидаи дилини.

Қачон юрса сафарга, Тойбодига ётди хат. Шайхнинг ўғилларини, Айлади у шобат.

Шайхдан тортиқ узукни, Қўлмас эди қўлидан. «Рости-русти» каломи, Адаштирмас йўлдан.

(Давоми бор).

Менинг кинога кириб келишимга таниқли артист Мурод Ражабов сабаб бўлган. Уша пайтда Иззат Султон Ҳам-за номидаги ўзбек Давлат академик драма театрида ижодий лаборатория ташкил қилган, биз шу лабораторияда ишлардик. Раҳматли Латиф Файзиёв бош режиссёр эди. Уша пайтларда Фаргона вилоят театрида «Темур хотин» янги сахналаштирилган кезлар эди. Мурод Ражабов Кўчорвой ролин уйнашга ишқибоз бўлиб, роса елиб-югурди. Негадир театр бунга рағбат билдирмади. Мурод Ражабов пьесани кўтариб киностудияга йўл олди. Исма-мат Эргашев уни экранлаштиришга рози бўлди. Шундан кейин мен фильм сценарийсини ёздим.

Биз машҳур кинорежиссёрлар Ко-мил Ерматов, Йўлдош Аъзамов, Зоҳид Собитов, Шўҳрат Аббосов яратган фильмларни кўриб тарбияланганим. Яширишининг нима ҳождати бор: собик иттифоқ пайтида ҳам биз яратган фильмларнинг обрўси унча баланд эмасди. Москвада ўқиб юрганнимизда ҳам «Киноларнинг бадийи пишиқ эмас, рейтингги паст, «Ўзбекфильм»ми ёки «Босмафильм»ми деб таъна қилишарди. Аслини олганда 60 йилларгача Шайхзоданинг «Мирзо Улугбек», Абду-лла Қаҳҳорнинг «Синчалак» сингари асарлари экран юзини кўрганди. Мил-лийлик бор эди ҳар ҳолда. 60-йиллар-нинг иккинчи ярмидан эса назаримда бизнинг киночилигимизда сакраш юз берди. Сакраб на бир маррани забт этдик, на ижодий чўққиларга кўтарил-ди. Таъбир жоиз бўлса биз ҳавода муаллақ қолдик. Сакраш бизга, ҳусу-сан санъатга тўғри келмас экан. Энди ораликдаги масофани, бўшлиқни қа-дамба-қадам юриб ўтатишимиз. Ешлари-

миз суратга олаётган фильмларга бери-лаётган баҳо шу сабабдан «Жуда ҳам содда, оддийлик кўп» сингари фикрлар-дан нари ўтмаяпти. Бўлса бордир. Ле-кин юқоридаги гап ҳақ; бўшлиқни бари-бир тўлдирганимиз керак.

Узим киночилик билан шуғулланаёт-ганим учун нуқтаи назаримни айтишга

ҳам шу фильмда инсоний образлар, инсоний талқинлар бор. Мажозий ў-шатишлар мавжуд. Ҳар бир фильми-миз исзис кетмаса қани эди.

Кулинча театрларда катта муваффа-қиятлар билан ўйналган сахна асарла-ри экранга кўчганда батамом бошқача бўлиб қолади. «Сабаби нима», деб сў-

Нўқтаи назар

## КИНОМИЗ КЕЛАЖАГИДАН КЎНГЛИМ ТЎҚ

журят қиламан. Назаримда ўзбек кино-чилиги икки йўналишга бўлиниб қолган-га ўхшайди. Бири Европа услубида иш-лаётган санъаткорлар, иккинчиси мил-лий йўлда изланаётган ижодкорлар. Ме-нимча фильмларга европача баҳо бери-ш ҳам шундан бўлса керак.

Мен кинога янгигина келган одамман. Бошқаларнинг фильмига баҳо беришдан ўзимни тияман. Тўғри, шу пайтгача ол-тита — «Темур хотин», «Юзсиз», «Тақдир эшиги», «Шариф ва Маъруф», «Тила бо-ла», «Масҳарабоз» фильмларининг сце-нарий муаллифи бўлдим. Охири фильм-га режиссёрлик ҳам қилдим. Бир фикр менга тинчлик бермайди. Кўпчилик «Ни-ма қилардингиз режиссурасига қўл уриб», деб сўрашади. Соз ясовчи уста бир асбобда ҳеч бўлмаса битта қўйни чала олиши керак-да!

«Абдуллажон» бадийи фильми ҳақида анча-мунча гап-сўзлар бўлди. Менимча

рашади. Худди шундай омадсиз қис-мат «Мирзо Улугбек фоҳиеси», «Ке-лилар қўзғолони», «Кўв», «Олтин де-вор» комедиялари, қисман «Темур хо-тин»нинг бошига ҳам тушди. Нима учун фильмларнинг баҳоси ҳам ўзгариб боради? Сабаби улар сахна учун яратилган асарлар. Экрanga чикқанда бата-мом бошқача бўлиб қолади. Демак ки-нонинг сценарийси ўз йўлига, сахна асарлари ўз йўлига мустақил яратили-ши керак экан. Яна бир гап. Бадийи асарлар — қиссалар, романлар ўқиш учун ёзилади. Кино эса кўриш учун. Нима учун ўқиладиган нарсани кўри-дан томошага айлантириш зарур? Унда ўқувчилар ҳам, томошабинлар ҳам завқ олиш имкониятидан бирдек маҳрум бўлиб қолмайдиларми? Назаримда кино учун махсус сценарий ёзиш керак, театрга махсус пьеса ёзиш ке-рак. «Шўрвасининг шўрваси» бўлма-лиги зарур.

Бундан ташқари бизнинг ҳаётими-з



Дил изхори

## ҚЎШИҚ БИЛАН КИРИБ КЕЛДИ

Шундай адиблар бўладикки, улар адабиёт майдонига ўз овози, ўз йўли билан кириб келса ҳам истеъдоди, иқтидо-рини тинимсиз меҳнат билан юзюга чиқаради, эл-юрт ора-сида обрў топади, тилга ту-шади. Шоир ва драматург си-фатида кўп йиллардан бери калам тевратётган Ҳайдар Мухаммад бугунга келиб кў-шиқчиликда, сахна асарлари яратишда адабиётимизга му-носиб хисса қўшмоқда.

Бундан бир неча йил аввал «Хатларим етмасмикан?» кў-шиги анчайин машҳур бўлиб кетган эди. Қўшиқ ёш-ялан-лар орасида севиб қўйларна-ди. Айниқса «Ул санам бер-мас жавоб хатларим етмасми-кан» сатри тилдан тушмасди. Ҳайдар Мухаммад шундан кейин жуда ҳам кўп қўшиқ-лар ёзди. Айниқса «Йўлинг топсам», «Кўнглим менинг», «Ёган хатинг қўлимда», «Са-марқанд», «Севги баҳори», «Дилбаримсан» каби унлаб кў-шиқлар жуда донг таратди. Ҳайдар Мухаммад қаламига мансуб 250 га яқин қўшиқ Ўз-бекистон радиоси фонотекаси-да сақланиб келинади. Бу ҳам шоирнинг захматчас, меҳнат-севар ижодкор эканлигиндан далолат беради. Турли йил-ларда чоп этилган «Кўнглим менинг», «Йўлларнинг муштокчи-ман», «Олчамнинг тугилган ку-ни» сингари назимий мажмуа-лари маълум даражада шоир-

нинг шеърӣ олами якуни бў-ли десак янглишмаймиз.

Ҳайдар Мухаммад драматур-гия жанрида баракали қалам тевратиб келмоқда. Унинг ўн-дан зиёд пьесалари театр сах-наларига ўйналган. Шу ўринда бир воқеани эслаб ўтмоқ жоиз деб ўйлаймиз. Мухимий номи-даги ўзбек давлат музыкали театри сахналаштирган «Тош-кентнинг нозанин маликаси» му-сиқали драмаси хусусида сўз бораётган дамлар эди. Биз ҳам 5-6 оғайнилар шу томошани кў-рмоқчи эдик. «Томошанинг номи ТНМ деган номердан олинган экан, — деди дўстла-римиздан бири. — Шоферлар ҳақида бўлса керак». Ҳайдар Мухаммаддек нозик таъб ижод-кор бундай қилмаслигига ишон-ганим ҳолда унинг фикрини рад этдим. Томоша ўша кунларда долзарб ҳисобланган, (ҳозир ҳам шундай) ёшлар тарбияси мавзусида экан. Сал кун ўтмаёқ «Тошкентнинг нозанин малика-си» ҳақида ижодий тақризлар ошлон қилинди. Ҳайдар Мухам-мад номи шу тарихи тез-тез тил-га олинганидан бўлиб қолди.

Мухимий театрида муаллиф-нинг «Ҳар қимчи вафо қилса», «Кўвлар танловни» сингари му-сиқали драмалари, Ҳамза номи-даги ўзбек Давлат академик драма театрида эса «Сабаби сийёр», «Хотинлар гапидан чи-қан хангома», «Жиноят устида ашларанси» сингари драмати-к асарлар сахна юзини кўрди.

«Кўнглим чинни пиёла», «Элёр ботир», «Сехрар ва айёр», «Ҳа-зилкаш шох» сингари пьесалари вилоят театрларида муваф-фақият билан ўйналмоқда.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси раҳматли Туроб Тула «Ҳайдар Мухаммад адабиётимизга кў-шиқ билан кириб келди. Оз вақт ўтмай қўшиқ уни мустика-ли драма соҳасига бошлади. «Тошкентнинг нозанин малика-си» унинг келажagini белги-лаб берди», деб ёзган эди.

«Хотинлар гапидан чиққан хангома» комедияси эса Ҳайдар Мухаммаднинг элга та-нитиди. Шу комедия асосида «Темур эркак» фильми суратга олинди. Академик ёзувчи Ко-мил Яшин «Сизнинг бу янги ко-медиянгни замонавий «Майса-ранинг ишидир» деб ёзганиди.

Қирқ йиллик ижодий захмат бу 60 йиллик умрининг катта қисмини ташкил этади. Ҳозир-ги кунда Ҳамза номи театрида адабий бўлим раҳбари бўлиб ишлаб келаётган Ҳайдар Мухаммад 40 йиллик ижодий жа-раёнида талай нарсаларни ёзишга улгурди, тенгдошлари орасида ўзига ҳош ўрин топди.

Ҳайдар Мухаммаднинг кўн-глида орзулари жуда кўп. Унинг ўз сўзи билан айтганда «ҳали энг яхши эл севадиган асари юраги тубида турибди». Биз шу олижаноб орзуларни рўёбга чи-қишини истаб қоламиз.

Ғолиб МИРЗО.

Шеърӣ лаҳзалар

## ЯХШИЛИК ҚИЛМОҚЛИК ИНСОНГА ЗАРУР

Дейдилар, одамни алам йиғлатади, Ёлғизлик, етимлик ва гап йиғлатади. Аламу гапларни гуноҳкор этманг. Аслида одамни одам йиғлатади.

Ешликда ҳамма ҳам дўсту қадрдон, Ўртада баҳадир ширинлиги нон. Дўстлик синалади азиз дўстларим, Дўстинг сенга раҳбар бўлгани замон.

Ўнганга жабр айлаб бирни эрқалаш Бу эрур жиноят, бу эрур қусур.

Болани алдаманг ёлгон гап билан, Ерқин умидларин қилмангиз сароб. Олдин ҳақиқат дуч келгани он, Турғуни доғдираб, соқов бежавоб.

Фараҳдага насихат ҳам фарзу ҳам қарз, Қўлоққа илмас деб айтмаслик беқор. Ҳаётнинг қачиси текханда тарс, Ярқ этиб қўлда чанқарғуси бор.

Яхшилар яхши деса розиман дилдан, Демак, яхши ишлар қилган эканман. Ёмонлар яхши деса қоламан тилдан, Демак, дўстга кирган қақир тиканман.

Останг иши билан мағрурсан, мағрур, Станг очган йўлдан юрибсан, демак. Бундоқ юзини келажакка бур, Ўйлинг қайси йўлдан юрмоғи керак.

Орзулар олисдир-юлдуздек йирок, Ўлим-чи, ўрмалар нели соядек. Фақат орзуни меҳнат ушлар тезроқ, Фақат меҳнат ўлимни тўсар қоядек.

Орамиздан бевақт кетар яхшилар, Гарчанд қачи-ёши юзда бўлса ҳам, Ахир яхшиларга ҳам ўлим тилар. Улар қанча яшаса шунча бўлар ҳам.

Ҳайдар МУХАММАД.



Бўқий қадриятларимиз фольклор дастлавлари фаолияти билан абадийлик касб этмоқда. Онақоналаримиз фидойилик билан халқ кўнглига, интиқларига қайта ҳаёт бағишламоқда.

Рустам Шарипов асган сурат.

## ИЗТИРОБ (Ҳикоя)

Ишдан қайтган Абдулла муздек сувда мириқиб ювинди, сўнг ошхонага ўтиб, картошка, иккита бармоқдек қизил саб-зини арчиб, тўрради. «Харна ёрдам-да», ҳаблдан ўтказди у. Хотинидан эса ҳамон дарак йўқ. Бўш ўтиргунча халигина ўзи билан келтирган, ҳисоблаб тугатишга улгурмаган ишини яқун-лаб қўймоқчи бўлиб, стол ёнига бориб ўтирди-да, ишга кири-шиб кетди. У ёзувларни тугатиб ҳам бўлдики, хотини кела-вермади. Қоғозларни бир чеккага йиғиштирдикан, хаёли яна хотини Ойдинга кетди. Абдулла хўрсиниб гавдасини стул суян-чиғига ташлади. Шу аснода тўридаги сервант ичидagi қоғоз қутичага кўзи тушди. Қутичанинг биқинида «бир марталик доринича» деган ёзув бор эди. У ўрнидан сапчиб туриб кет-ганини ўзи ҳам билмай қолди...

...Абдулла кўнгли пок, нияти тоза йигит. Балки шундандир, у хотинга ёлчи. Умр йўлдоши бообод, эғчил, хушмуомала, ҳар бир сўзни ўйлаб гапирадиган аёл бўлиб чиқди. Бунинг устига гўзал. Исми ҳам, касби ҳам ўзига ярашади, ҳамшира. Ойдин уйда бўлса доим хоналарда бир рўз кезиб юрганга ўхшайди. Унга қўшиндан ҳам буюрган. Икки оила ноҳияда иноқ, «Сен тинч — қўшининг тинч» нақлига қаттиқ амал қили-шади. Равшанали билан Абдулланинг ёши тенг. Бирок улар бир-бирларини «ака» деб чақиривади. Ҳар икки оила бирдай нафас олади, бирдай яшашади. Ҳеч бир қутлуг кун бир-би-рисиз ўтмайди.

Абдулланинг дадаси Рўзи бобо илгарилари тез-тез келиб турарди. Шаҳарга бирон бир юмуш билан тушса қийшқокдан олиб келди деб набираларига олмай, ўриқми, нималарни-дир кўтариб кириб келарди.

Жума кун оқшоми эди. Абдулла ишдан қайтган диванга чўзилди. У одатда дарҳол ётоқхонадан чиқиб, ошхонага ки-рарди. «Ҳўш, хоним, бугун қандай овқат билан сийламоқчи-сиз?» деган ҳазил билан хотинининг қўлини овлаб, чой ичишга ўтирарди. Эрининг бу сафар қаёвверганини кўрган Ойдин ичкарига кирди.

— Ие, нимага ётди олдингиз, бирон ерингиз оғрийаптимиз? — Йўқ, ўзим, — эрининг қайфияти нечундир бузукроқ эди. — Сал кўнглим хижирлоқ.

— Кўйинг, унақа деманг, туринг ўрингиздан, чой тайёр. Ҳозир овқат ҳам пишлади. Мана камзулингизни кийинг, — йўл-йўл камзулни эрига узатди. Эри ўрнидан турвермаган ҳазил аралаш эрқаланиб қўлидан тортиди. — Ё ўзим кийдириб қўяйми? Эр-хотин эрғашиб ошхонага ўтишди.

— Эсингизми, Ойдин, дадам охириги марта қанон келган эдилар?

Ойдин эрига қарамай қотон қавлаб, жавоб берди: — Ярим йилдан ошиб кетди. Утган йили кузда эди. Бир қути олтиндек анжир олиб келган эдилар.

— Шу дам олиш кун бориб кўриб келсан-чи, нима дейсан? — Нима дердим, хўп дейман, албатта борамиз. Утган ойда борганимизда богда кетмон чапоётган эдилар. Хайрлашаё-тиб, тез-тез келиб турларинг, биз ҳам анча қариб қолдик, дегандилар.

Ойдин овқатни сузай деб турганда эшик тақиллади. Шў-рат юғриб бориб эшикни очди.

— Бобом, бобом келдилар. — у жуда соғинган экан, қичқи-риб ўзини чолнинг бағрига отди. Абдулла ўрнидан туриб, йўллакка йўрғалади. Бобосининг буйиндан маҳкам қучоқлаб, осилиб олган Шўхратнинг этагидан тортиди.

— Қўйиб юбор, бобонгнинг буйинини, бўлди...

— Шўхратжон, туш бобонгни буйиндан, тойлоқдек бўлсанг ҳам укангнинг қилигини қилсан-а, — ўлига танбех берди Ойдин.

— Кўявер, кўяверларинг! Ҳали бундай невараларнинг кў-пини кўтаришга қувватим етмади. Мана шу невараларим бор, мен бор дунда.

Мўйсафиднинг чехрасида тубассум. Опоқ соқоллари яра-шиб турган юзидан нур ёғиларди. Абдулланинг уйи яшнаб кетди.

Болалар уқлаб қолишди. Ота-боло эса ярим тунгача гап-лашди ўтиришди. Қараса дадасининг қўзи илбини кетаяпти. У дадасининг ёнига яна битта оппоқ ёстик ташлади.

— Дада, ётиб ухланг, чарчабсиз, — деб ўз хонасига кириб кетди. Кўнгли хотиржам бўлиб ётган Абдулла саҳарда тини-қиб уйғонди. Шойиби-пишиб чой ичди-да, дадасига «Ишдан барвақтрок қайтиб, ўзим олиб бориб қўяман, кетиб қолманг», деганича чиқиб кетди.

Ноншуга қилиб ёнобшоблаб ўтирган бобонинг кўнгли беку-зур бўла бошлади. Ҳаво етишмаётганга ўхшаб, томоғи бугу-лиди. Аёвонга чикмоқчи бўлиб ўрнидан турган эди, йўллакка етолмай муккаси билан йиқилди. Набираси Шўхрат «Бобо-жон, нима бўлди сизга», дея ёрдамга келди-ю бирок кўта-ришга қучи етмади. Чолнинг сўзларига тушуниб бўлмас, тили узага буйсунайи гўлдирадди. Ранги куч ўчиб, қўриқиб кетган Шўхрат қўшининикига югурди. Ҳайтовур Равшанали уйда экан. Юғриб кириб чолнинг қўлигидан олдига қўрпача ус-тига ётқизди. «Тез ёрдам»га қўнғирок қилган эди фойдаси бўлмади. Чоли йўловчи машинада шифохонага олиб борган, Абдулланинг ишхонасига ташвишли хабарни етказди. Тушдан сўнг касалхонага Абдулла ҳам етиб қолди.

Рўзи бобо ўлганин келишини пойлаб ётган эканми, унинг қўлида касалхонада жон берди. Ушанда боши гаранг, қўла-ри намхуш йолда уйга ҳабар бериш учун шойиб қўчага чиқиб кетаётган, Абдуллага ҳамшира доринича сотиш мақсадида ўз хизматларини тавсия этишди. Лекин энди кеч эди...

... Жалл билан ўрнидан турган Абдулла шоша-пиша серван-тдаги қоғоз қутичани қўлига олди. Яқинда кўрганга тўла эди, қамайиб қолди. Унинг ичиди бир неча дориничадан ташқари яна бир неча юз сўм пул ҳам бор эди. Абдулла бир ижирғандида қўлидаги қутини жаҳл билан айвонга улоқтирди. Доринича пул билан айкаш-уйқаш бўлиб соңилди, пул юзини тўлдирди.

Шу тобда Абдулла ишдан хориб қайтиб келган, биқинига «Бир марталик доринича» деб ёзиб қўйилган янги қоғоз қути-ни қўлтиқлаганча хайрон бўлиб қараб турган Ойдинни сез-масди.

Сидиқ СУЛАЙМОНОВ

